



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK  
VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATINING  
BUYRUG'I**

20~~22~~ yil. "26" 01 № 6-4

Toshkent sh.

**Юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари,  
нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши бўйича  
текширишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиблари  
тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги  
“Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат  
саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги ПҚ-4790-сонли Қарорига мувофиқ, буюраман:

**1. Қуйидагилар:**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари,  
нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши бўйича  
текширишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиблари тўғрисидаги  
Йўриқнома 1- иловага мувофиқ;

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя  
этилиши бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибларининг  
схемаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик  
субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича  
вакилни хабардор этиш тартибида текшириш ўтказиладиган юридик  
ва жисмоний шахслар ҳамда уларда ўтказиладиган текшириш муддатлари  
3-иловага мувофиқ;

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари,  
нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича ўтказиладиган  
текширишларнинг йиллик реска-жадвалининг намунавий шакли 4-иловага  
мувофиқ;

Текширишлар жараёнида амалга ошириладиган лаборатория-  
инструментал таҳлилларнинг минимал тури ва миқдори 5-иловага мувофиқ;

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича текширишларни ўтказишда сарфланадиган иш вақтининг меъёрлари 6-иловага мувофиқ;

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хавфлилик даражасини белгилаш учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги бўйича белги тоифалари бериш мезонлари 7-иловага мувофиқ;

Санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатномаларни рўйхатга олиш журналининг намунавий шакли 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилиш бошлиқ ўринбосари Н.С. Атабеков зиммасига юклатилсин.

Бошлиқ

Б. Юсупалиев

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил  
“26 ” 01 даги “6-Ч”-сон буйруғига  
1-илова

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари  
ва гигиена нормативларига риоя қилиниши бўйича текширишларни ташкил  
қилиш ва амалга ошириш тартиблари тўғрисида  
**ЙЎРИҚНОМА**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу йўриқнома Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат  
саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология  
хизмати) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
худудий бошқармалари (кейинги ўринларда - бошқармалар) ҳамда туман  
(шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда - бўлимлар) томонидан юридик ва  
жисмоний шахслар, яъни тадбиркорлик субъектлари ва бюджет  
ташкилотларини (кейинги ўринларда - объектлар) санитария қоидалари,  
нормалари ва гигиена нормативларига (кейинги ўринларда - СанҚвАН) риоя  
этилиши бўйича текширишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш  
тартибларини белгилайди.

### **II. Текшириш турлари**

2. Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишлар:

а) текширишларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан  
ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида:

ушбу текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018  
йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармони билан тасдиқланган  
Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш  
орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган  
текширувлар рўйхатининг 10-бандида белгилangan тартибда олиб борилади.

б) ваколатли орган билан келишилган тартибда:

ушбу текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018  
йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли Фармони билан тасдиқланган Ваколатли  
орган билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида  
ўтказиладиган текширувлар турларининг рўйхатида белгилangan тартибда  
ўтказилади.

3. Бюджет ташкилотларида ўтказиладиган текширишлар:

а) режали текширишлар:

умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги “Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 352-сонли қарорида белгиланган тартибда ўтказилади;

давлат тасарруфида бўлган даволаш-профилактика муассасаларида (кейинги ўринларида - ДПМлар) худудий бошқармалар томонидан тасдиқланган режа-жадвал бўйича амалга оширилади.

б) режадан ташқари текширишлар:

санитария қонунчилиги бузилиши ҳолатлари ҳақидаги мурожаатлар асосида;

оммавий ахборот воситалари ёки интернет жаҳон ахборот тармоғидаги манбаларда санитария қонунчилиги бузилиши тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли омилларнинг пайдо бўлиши, санитария-эпидемиологик вазиятнинг мураккаблашиши, фавқулодда вазиятлар вужудга келиши, шунингдек бошқа мамлакатлардан карантинли, ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли мавжуд бўлганда ўтказилади.

в) назорат тартибидаги текширишлар:

режали ёки режадан ташқари ўтказилган текширишлар натижаси бўйича далолатномада кўрсатилган таклифлар ижросининг бажарилиши бошқарма ёки бўлим бошлиқларнинг буйруғи асосида ўтказилади.

4. Текширишлар Санитария-эпидемиология хизмати, бошқармалар ва бўлимлар томонидан амалга оширилади.

### **III. Текширишларни ташкил қилиш**

5. СанҚвАНга риоя этилиши бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиблари 2-иловадаги схемага мувоғиқ амалга оширилади:

а) Бўлимнинг санитария-гигиена бўлими:

СанҚвАНга риоя этилиши бўйича текшириш ўтказиладиган обьектларда соҳалар (коммунал гигиена, меҳнат гигиенаси, овқатланиш гигиенаси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси ҳамда ДПМлар) бўйича обьектларнинг тўлиқ номи, манзили, унинг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами (СТИР) ва фаолият тури бўйича рўйхатини;

тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли қарорида белгиланган тартибда текшириш даврийлигини ҳисобга олган ҳолда, давлат тасарруфида бўлган умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотларини Вазирлар

Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги 352-сонли қарорида белгиланган тартибда ва давлат тасарруфида бўлган ДПМларда эса тегишли СанҚвандада белгиланган тартибда текширишларнинг йиллик режа-жадвалини тузади;

йиллик режа-жадвал бўлимларга хизмат кўрсатадиган лабораториялар мудирлари билан келишилади;

текширишларнинг йиллик режа-жадвалини режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 25 ноябрига қадар назоратларни мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлимига (кейинги ўринларида - НМ ва МАБ) тақдим этади.

**б) Бўлимнинг НМ ва МАБ:**

умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотларида текшириш бўйича шакллантирилган йиллик режа-жадвалини Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимига келишиш учун текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 1 декабригача;

тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик режа-жадвалини тасдиқлатиш учун бошқармаларга текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 10 декабригача;

давлат тасарруфида бўлган ДПМларни текширишнинг йиллик режа-жадвалини тасдиқлатиш учун бошқармаларга текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 10 декабригача тақдим этади.

**в) бошқарманинг тегишли бўлимлари НМ ва МАБ билан ҳамкорлика** тадбиркорлик субъектларини ва ДПМларни текшириш бўйича йиллик режа-жадвалларини ўрганиб чиқади.

**г) бошқарманинг НМ ва МАБ:**

йиллик режа-жадвали асосида тадбиркорлик субъектларида текшириш ўтказиш бўйича туман (шаҳар) кесимида чораклик режа-жадвални тузиб, чоракдан олдинги ойнинг 25 санасигача Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг (кейинги ўринларида - вакил) худудий девонига хабардор қилиш учун тақдим этади;

Вакил томонидан ноёб код билан текширувларни ўтказишга рухсат берилган тадбиркорлик субъектлари ҳақида чоракдан олдинги ойнинг 28 санасигача бўлимларга маълумот юборади;

объектлар рўйхати янгиланганда йиллик режа-жадвалга ўзгартириш киритилиши мумкин.

**6. Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик режа-жадвали бошқарма бошлиғи томонидан келишилади,** давлат тасарруфида бўлган ДПМларни текширишнинг йиллик режа-жадвали эса тасдиқланиб, текшириш

режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 20 декабригача бўлимларга юборилади.

7. Тасдиқланган йиллик режа-жадваллар текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 25 декабряга қадар Санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

8. Объектларда текшириш ўтказиш, ушбу текшириш ўтказиш жараёнида фаолият турлари бўйича белгиланадиган лаборатория-инструментал таҳлилларнинг минимал тури ва миқдори, СанҚвАНга риоя этилиши бўйича назорат олиб боришда сарфланадиган иш вақти ҳамда Вакилни хабардор этиш тартибида текшириш ўтказиладиган юридик ва жисмоний шахслар ҳамда уларда ўтказиладиган текшириш муддатлари асосида текширишларнинг режа-жадваллари шакллантирилади.

9. Йиллик режа-жадвалга асосан санитария-гигиена бўлими томонидан текширишларнинг чораклик режа-жадвали режалаштирилаётган чоракдан олдинги ойнинг 29 санасигача ишлаб чиқилади.

Бунда:

тадбиркорлик субъектларини текширишларнинг Вакилни хабардор этиш натижаси бўйича;

давлат тасарруфида бўлган умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотларини текширишларнинг Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган режа-жадвали;

давлат тасарруфида бўлган ДПМларда текширишлар ўтказишнинг бошқарма томонидан тасдиқланган режа-жадвали асосида шакллантирилади.

10. Текширишларнинг чораклик режа-жадвалида куйидагилар кўрсатилилади:

текшириладиган объективнинг номи, манзили, фаолият тури, СТИР рақами;

текшириш ўтказиладиган аниқ кунлар (лаборатория-инструментал таҳлиллар ўтказиш учун сарф бўладиган муддатлар ҳисобга олинган ҳолда текшириш учун белгиланган муддат 10 кундан ошмаслиги керак);

ўтказиладиган лаборатория-инструментал текширувлар турлари ва миқдори;

текшириш ўтказадиган мутахассисларнинг фамилияси, исми, шарифи.

11. Текширишларнинг чораклик режа-жадвали бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланади.

12. Тасдиқланган чораклик режа-жадвалнинг нусхалари текшириш режалаштирилаётган чоракдан олдинги ойнинг 29 санасигача санитария-гигиена бўлими ва НМ ва МАБга тақдим этилади.

#### **IV. Текширишларни ўтказиш тартиби.**

13. Тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ, НМ ва МАБ текширишни ўтказиш учун буйруқ лойиҳасини тайёрлайди.

Бунда:

текшириладиган объектнинг номи, манзили, СТИР рақами, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор (текшириш хуқуқини тасдиқловчи маҳсус гувоҳномага эга бўлган) шахслар таркиби, текшириладиган давр, текшириш ўтказиш муддати ва текшириш ўтказиш учун асос бўлган хужжат номи, рақами ва санаси кўрсатилади;

текширувчи мансабдор шахслар таркибига объектда лаборатория-инструментал таҳлиллар ўтказадиган лаборатория мутахассислари киритилади.

14. Буйруқка текшириш бўйича саволлар рўйхати (кейинги ўринларида-саволнома) илова қилинади ва текшириш ўтказиш белгиланган муддатдан камида 2 кун олдин текшириш ўтказишга масъул бўлган мутахассисга топширилади.

15. Буйруқ бўйича текшириш ўтказишга масъул бўлган мутахассис лаборатория-инструментал таҳлиллар ўтказиш учун бўлимга хизмат кўрсатадиган лабораторияларга буюртма беради.

16. Текширишларни ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

тадбиркорлик субъектларида текшириш ўтказилишидан олдин профилактик тадбир ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот, ваколатли органни хабардор этилганлиги тўғрисида ноёб код ёки ваколатли орган билан келишилганлиги тўғрисидаги хат (текшириш ўтказиш тўғрисида 10 иш куни олдин хабардор қилинганлиги);

давлат тасарруфида бўлган умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотлари учун ўрнатилган тартибда келишилган режа-жадвал;

давлат тасарруфида бўлган ДПМлар учун бошқарма томонидан тасдиқланган режа-жадвал;

текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ;  
саволнома нусхаси.

текширишлар буйруқ асосида бўлимнинг масъул мутахассиси томонидан амалга оширилади.

17. Тадбиркорлик субъектларида профилактик тадбирлар куйидаги тартибда амалга оширилади:

текшириш режасига киритилган тадбиркорлик субъектларига буйруқ асосида ташриф буорган ҳолда текшириш мазмуни, текшириш ўтказиш асослари (СанҚвАН талаблари) бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиб, якунига кўра тадбиркорлик

субъекти раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахс) иштирокида баённома тузиш;

текшириш режасига киритилган тадбиркорлик субъектларига текшириш мазмунни, текшириш ўтказиш асослари (СанҚвАН талаблари) тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган хатни электрон шаклда ёки почта алоқаси хизмати орқали жўнатиш.

18. Текширишга масъул мутахассис текшириш бошланишидан олдин объект раҳбарини (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси, текшириш хуқуқини тасдиқловчи маҳсус гувоҳномаси ва текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларнинг (текшириш режа-жадвалидан кўчирма, текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ва текшириш дастури) нусхаларини топширади.

19. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси текширилаётган объектнинг раҳбарига тилхат олинган ҳолда топширилган кун текшириш ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

Текширилаётган юридик ёки жисмоний шахс раҳбари мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган юридик ёки жисмоний шахс раҳбари ушбу ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, текширишга ваколатли органинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган объект раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолайдиган далолатнома тузилади. Ушбу далолатномани объект раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолашдан бош тортганда, далолатномага текширувчи масъул мутахассис томонидан тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолатда далолатнома имзоланган вақт текшириш бошланган кун ҳисобланади.

20. Текширишга масъул мутахассис объект раҳбари томонидан тақдим этилган текширишларни рўйхатга олиш дафтарини тўлдириши шарт.

21. Санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатномага текширишларни рўйхатга олиш китобининг тўлдирилган шакли ёки китоб тақдим этилмагандан – унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида масъул мутахассис томонидан тегишли ёзув киритилади.

22. Масъул мутахассис текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортган тақдирда, объект раҳбари томонидан текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди.

23. Тадбиркорлик субъектида текширишни белгиланган муддатда ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, жумладан, текширишда иштирок этиши

лозим бўлган шахс иштирок эта олмаган, текшириш ўтказиш учун талаб қилинган хужжатлар тақдим этилмаган ёки зарур мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда, текшириш буйруқ асосида тўхтатилади ҳамда текшириш ўтказувчи мутахассис томонидан текширишни ўтказиш имкони бўлмаган сабаблар кўрсатилган маълумот тузилади ҳамда НМ ва МАБ томонидан Вакилни хабардор қилиш учун Ягона электрон тизимга киритилади.

24. Муддати кўчирилган текширишни текшириш тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг охирги кунидан кечиктирмасдан ўтказилиши лозим.

25. Текширишлар натижалари камидаги икки нусхада тузиладиган далолатнома билан расмийлаштирилади ҳамда унга ўтказилган лаборатория-инструментал таҳлиллар натижалари илова қиласанади.

Лабораторияда ўтказилган таҳлиллар якунланган куни лаборатория-инструментал таҳлиллар натижалари бўйича баённома расмийлаштирилиб, санитария-гигиена бўлимига тақдим этилади.

26. Лаборатория-инструментал таҳлиллар натижалари олингандан сўнг, санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатнома текшириш муддатининг охирги кунидан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

27. Текшириш ўтказиши натижаси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги 363-сонли буйруғи билан тасдиқланган 224-х/ш-рақамли санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатноманинг нусхалари текшириш ўтказаётган масъул мутахассис ҳамда объект раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахс) томонидан имзоланади.

Санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси лаборатория-инструментал таҳлиллар натижалари билан биргаликда объект раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини бажарувчи шахсга) олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Текширилган объект раҳбари ўтказилган текшириш натижаси бўйича ўз эътирозларини далолатномада ёзма равища акс эттириши мумкин.

Текширилаётган объект вакили санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатномани олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортганда, текширишга масъул мутахассис бу ҳақда санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатномага тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугалланган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатноманинг нусхаси бир иш куни давомида объект раҳбарига

ёки объектнинг юқори турувчи органига почта орқали ёки электрон шаклда юборилади.

28. Санитария-эпидемиологик текширув ўтказилганлиги ҳақидаги далолатномада кўйидагилар акс эттирилади:

текшириш дастури бўйича ўрганиш маълумотлари;

текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар ва умумий холоса;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва уларнинг муддати.

29. Асосли сабабларга кўра текшириш ўтказиш имкони бўлмаган ёки зарурати қолмаган (текшириш ўтказилиши лозим бўлган обьект тугатилган, бошқа ташкилотга қўшилган, фаолият юритмаётган, текшириш даврида текшириладиган обьект мавжуд бўлмаган ва ҳоказо) ҳолатда:

ташкилотларни текширишлар режасидан чиқариш тўғрисида текшириш ўтказишга масъул мутахассис бўлим бошлиғига маълумотни тақдим этади;

НМ ва МАБ томонидан Вакилни хабардор қилиш учун Ягона электрон тизимга маълумот киритилади.

30. Юридик ёки жисмоний шахс ўтказилган текшириш натижаларидан норози бўлса, низоли масалаларга аниқлик киритиш учун бошқармаларга ёки Санитария-эпидемиология хизматига, шунингдек судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

31. Текшириш ўтказган масъул мутахассис томонидан тузилган далолатнома ва лаборатория-инструментал таҳлиллар натижалари бўйича обьектга тоифа бериш мезонлари асосида тоифа белгиси берилади;

тоифа белгиси 1 йилга берилади.

32. Тоифа бериш мезонларига кўра, 110 ва ундан юқори баллга баҳоланган обьектга “Яшил” тоифадаги белги берилади;

“Яшил” тоифадаги белги берилган обьектга нисбатан чора қўлланилмайди, “яшил” тоифадаги белгига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширилишига йўл қўйилмайди (оммавий заҳарланиш ва гурухли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно);

76-109 баллгача баҳоланган обьектга “Сарик” тоифадаги белги берилади;

“Сарик” тоифадаги белги берилган обьектда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади, ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувларнинг даврийлиги икки баробарга узайтирилади ва қайта текшириш ўтказилганда, аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса маъмурий баённома тўлдирилади.

75 баллдан кам бўлган обьектга “Қизил” тоифадаги белги берилади;

“Қизил” тоифадаги белги берилған объектта аниқланған камчиликларни бартараф этиш бүйича таклифлар берилади ва объект раҳбарига нисбатан маъмурый баённома расмийлаштирилади;

қайта текшириш ўтказилғанда тоифа белгиси ўзгармаган тақдирда объектта аниқланған камчиликлар асосида объект раҳбарига нисбатан маъмурый баённома расмийлаштирилади, объект фаолиятини вақтинча тұхтатиш бүйича қарор чиқарилади ва фаолиятини тұхтатиш бүйича хужжатлар белгиланған тартибда судга ўтказилади.

33. Санитария-эпидемиологик текширув ўтказилғанлығы ҳақидаги далолатномалар рўйхатга олиш журналида рўйхатга олиб борилади.

Далолатномаларни рўйхатга олиш журнали санитария-гигиена бўлими томонидан юритилади.

34. Текшириш тугатилған қуннинг кейинги куни, яъни бир кун ичиде текшириш натижаси бүйича тузилған хужжатлар (далолатнома, тилхат, лаборатория-инструментал таҳлиллар натижаси, маъмурый баённома ва бошқа) санитария-гигиена бўлими томонидан рўйхатга олиниб, НМ ва МАБга топширилади;

НМ ва МАБ текшириш натижаси бүйича маълумотларни тизимга киритади;

тизимга киритилғандан сўнг маъмурый баённома ва ҳукуқбузарнинг тушунтириш хатидан ташқари, қабул қилинган текшириш натижаси бүйича хужжатлар санитария-гигиена бўлимига қайтариб берилади.

35. Текшириш ўтказган масъул мутахассис томонидан объектни санитария СанҚвАНГа мувофиқлиги бүйича тоифа белгиси берилишининг ҳаққонийлиги бўлим бошлиғи томонидан таҳлил қилиб чиқилади.

36. Объектга берилған тоифа белгилари асосида режа-жадвалларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

37. Бўлимлар томонидан ўтказилған текширишларнинг режа-жадвалга мувофиқ олиб борилиши ва текшириш натижаси бүйича тузилған хужжатлар Санитария-эпидемиология хизмати ва бошқармалар томонидан назорат қилиб борилади.

Ўтказилған текширишларнинг ҳисоботи юритиш, текширишлар давомида аниқланған камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш орқали амалга оширилади.

## V. Якунловчи қоидалар

38. Мазкур йўриқнома талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланған тартибда жавобгарликка тортилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил  
“26” 01 даги “б-ч”-сон буйруғига  
2-илова

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши  
бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибларининг  
схемаси

босқичлар	бўлимлар	тадбирлар	бажарилиш муддати
I босқич	Бўлимнинг санитария- гигиена бўлими	<p>1. Солиқ инспекцияси ва статистика бўлимларидан олинган маълумотлар асосида худуддаги назорат остидаги йўналишлар (коммунал, меҳнат, овқатланиш ҳамда болалар ва ўсмирлар гигиенаси, ДПМлар) бўйича объектларнинг номи, манзили, СТИР рақами ва фаолият турлари бўйича руйхатини тузади;</p> <p>2. Объектлар рўйхатидан бюджет ташкилотлари ва Вакилни хабардор қилиш тартибида текшириладиган тадбиркорлик субъектларининг алоҳида рўйхати шакллантиради.</p>	Ноябрь ойида
II босқич	Бўлимнинг санитария- гигиена бўлими	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон қарорида белгиланган тартибда текширишлар даврийлигини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалини тузади;</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарорида белгиланган тартибда давлат тасарруфида бўлган умумтальим муассасалари ва мактабгача тальим ташкилотларида ўтказиладиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалини тузади;</p> <p>3. СанҚвандада белгиланган тартибда давлат тасарруфида бўлган ДПМларда ўтказиладиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалини тузади;</p> <p>4. Тузилган текширишларнинг йиллик режа-жадвалини НМ ва МАБга тақдим этади.</p>	25 ноябргача

III босқич	Бўлимнинг НМ ва МАБ	<p>Давлат тасарруфида бўлган умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотларида ўtkазиладиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалини Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълим вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларига келишиш учун тақдим этади.</p>	1 декабргача
IV босқич	Бошқарма- нинг тегишли бўлимлари НМ ва МАБ билан хамкорликда	<p>Тадбиркорлик субъектлари ва давлат тасарруфида бўлган ДПМларда ўtkазиладиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалларини ўрганиб чиқади ва тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик режа-жадвали бошқарма бошлиги билан келишилади, давлат тасарруфида бўлган ДПМларни текширишнинг йиллик режа-жадвали эса тасдиқланади.</p>	10 декабргача
	Бошқарма ва бўлимнинг НМ ва МАБ- лари	<p>Тадбиркорлик субъектларида, Давлат тасарруфида бўлган умумтаълим муассасалари ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда ДПМларда ўtkазиладиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалари санитария-эпидемиология хизматининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.</p>	20 декабргача
V босқич	Бошқарма- нинг НМ ва МАБ	<p>Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик режа-жадвали асосида туман (шаҳар) кесими бўйича чораклик режа-жадвални Вакилнинг ҳудудий девонини хабардор қилиш учун тақдим этади.</p> <p>Вакил томонидан текширувларни ўtkазишга ноёб код билан рухсат берилган тадбиркорлик субъектлари ҳақида бўлимларга маълумот юборади.</p>	<p>Режалаш- тирилган чоракдан олдинги ойнинг 25 санасигача</p> <p>Режалаш- тирилган чоракдан олдинги ойнинг 28 санасигача</p>

VI босқич	Бўлимнинг санитария- гигиена бўлими	Текширишларни ўтказиш учун ноёб код берилган тадбиркорлик субъектларни инобатга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини, Давлат тасарруфида бўлган умумтаълим муассасалари ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари ва ДПМларни текширишларнинг йиллик режа-жадвали асосида чораклик режа-жадвал тузилади.	Режалаштирилган чоракдан олдинги ойнинг 30 санасигача
	Бўлимнинг НМ ва МАБ	1. Тасдиқланган чораклик режа-жадвал бўйича объектларда СанҚвАНГа риоя қилиниши бўйича текшириш ўтказиш учун текшириш дастури (саволнома) ва буйруқ тайёрланади; 2. Буйруқ текшириш ўтказиш бўйича масъул ходимга тақдим этилади.	Текшириш бошланадиган кундан камидаги икки кун олдин
VII босқич	Бўлимнинг текшириш ўтказиш бўйича масъул ходими	Буйруқда белгиланган объектда режа-жадвалда кўрсатилган лаборатория-инструментал таҳлиллар ўтказиш учун лабораторияларга буюртма беради.	Текшириш ўтказиш учун буйруқни олган куни
		1.Лаборатория-инструментал усуллардан фойдаланган ҳолда текшириш ўтказади ва текшириш натижаси бўйича хужжатларни расмийлаштиради; 2.Лаборатория-инструментал таҳлиллар ва текшириш натижалари бўйича объектга (раҳбарга) нисбатан чоралар кўриш учун хужжатларни расмийлаштиради;	Буйруқда белги- ланган муддатда
	Бошқарма ва бўлимнинг лабораториялари	Текшириш натижалари бўйича тузилган хужжатларни НМ ва МАБга тақдим этади.	Текшириш тутатилган кундан сўнг бир кун ичида
		Объектларда лаборатория-инструментал таҳлиллар натижалари бўйича тузилган баённомаларни санитария-гигиена бўлимига тақдим этади.	Ўтказилган таҳлил якун- ланган куни

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил  
“26” 01 даги “6-Ч”-сон буйруғига  
З-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик  
субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича  
вакилни хабардор этиш тартибида текшириш ўтказиладиган юридик  
ва жисмоний шахслар ҳамда уларда ўтказиладиган текшириш муддатлари

№	Фаолият турлари	ИФУТ бўйича (O'zDT 005:2011 “Ўзбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичи”)	Назорат ўтказиш муддатлари
<b>Озиқ-овқат гигиенаси объектлари</b>			
1	Сутни қайта ишлаш ва пишлоқ ишлаб чиқариш	15510	уч ойда кўпи билан бир маротаба
2	Музқаймоқ ишлаб чиқариш	15520	уч ойда кўпи билан бир маротаба
3	Нон, хамирдан янги тайёргланган қандолат маҳсулотлари, торт ва пирожное ишлаб чиқариш	15810	уч ойда кўпи билан бир маротаба
4	Болалар овқати ва парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15880	уч ойда кўпи билан бир маротаба
5	Тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15131 15132 15133 15139 15200 15330 15810 15850	уч ойда кўпи билан бир маротаба
6	Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15132	уч ойда кўпи билан бир маротаба
7	Ресторанлар ва озиқ-овқат маҳсулот-лари етказиш бўйича хизматлар	55300	уч ойда кўпи билан бир маротаба
8	Буюртма бўйича овқат етказиб бериш	55520	уч ойда кўпи билан бир маротаба
9	Овқатланишни ташкил қилишнинг бошқа турлари	55510 55520	уч ойда кўпи билан бир маротаба
10	Қушхоналарда мол сўйиш, гўштга ишлов бериш ёки қадоқлаш	15110 15120	уч ойда кўпи билан бир маротаба
11	Янги, совитилган ва музлатилган гўшт ишлаб чиқариш	15110 15120	уч ойда кўпи билан бир маротаба
12	Гўштни қайта ишлаш бўйича бошқа фаолият	15110 15120	уч ойда кўпи билан бир маротаба
13	Балиқ, қисқичбақасимонлар ва моллюскаларни қайта ишлаш ва консервалаш	15200	уч ойда кўпи билан бир маротаба

14	Картошкани қайта ишлеше ва консервалаш	15310	уч ойда кўпи билан бир маротаба
15	Мева ва сабзавот шарбатларини ишлаб чиқариш	15320	уч ойда кўпи билан бир маротаба
16	Мевалар ва сабзавотларни қайта ишлеше ва консервалашнинг бошқа турлари	15330 01419	уч ойда кўпи билан бир маротаба
17	Суҳари ва печене, хамирдан тайёрланган узоқ сақланадиган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15820	уч ойда кўпи билан бир маротаба
18	Какао, шоколад ва сершакар қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15840	уч ойда кўпи билан бир маротаба
19	Бошқа тоифаларга киритилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15890 15139 15620 15810	уч ойда кўпи билан бир маротаба
20	Спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш; бутилкада минерал сувлар ва бошқа сувлар ишлаб чиқариш	15980	уч ойда кўпи билан бир маротаба
21	Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан балиқ, қисқичбақасимонлар ва моллюскалар улгуржи савдоси	51380	уч ойда кўпи билан бир маротаба
22	Сут маҳсулотлари, тухум, овқатга ишлатиладиган ёғ ва мойлар улгуржи савдоси	51330	уч ойда кўпи билан бир маротаба
23	Ихтисослашган дўконларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари чакана савдоси	52220	уч ойда кўпи билан бир маротаба
24	Ихтисослашган дўконларда балиқ, қисқичбақасимонлар ва моллюскалар чакана савдоси	52230	уч ойда кўпи билан бир маротаба
25	Ихтисослашган дўконларда нон маҳсулотлари, ундан тайёрланган ва шакарли қандолат маҳсулотлари чакана савдоси	52240	уч ойда кўпи билан бир маротаба
26	Ихтисослашган дўконларда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси	52270	уч ойда кўпи билан бир маротаба
27	Ичимлик етказиш	55400	уч ойда кўпи билан бир маротаба
28	Ўсимлик ва ҳайвонлар ёғлари ва мойларини ишлаб чиқариш	15410 15420 01130	уч ойда кўпи билан бир маротаба
29	Маргарин ва овқатга ишлатиладиган аралаш ёғлар ишлаб чиқариш	15430	уч ойда кўпи билан бир маротаба
30	Мевалар ва сабзавотлар улгуржи савдоси	51310 51380	уч ойда кўпи билан бир маротаба
31	Тегирмон-ёрма саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш	15610	уч ойда кўпи билан бир маротаба
32	Крахмал ва крахмалли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	15620	уч ойда кўпи билан бир маротаба
33	Макарон маҳсулотлари ва шунга ўхшаш унли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	15850	уч ойда кўпи билан бир маротаба
34	Шакар ишлаб чиқариш	15830	уч ойда кўпи билан бир маротаба
35	Чой ва қаҳва ишлаб чиқариш	15860	уч ойда кўпи билан бир маротаба

36	Спиртли ичимликларни дистиллаш, тозалаш ва аралаштириш	15910 15920 51340	уч ойда кўпи билан бир маротаба
37	Узумдан вино ишлаб чиқариш	15930 01130 51340	уч ойда кўпи билан бир маротаба
38	Сидр (олма виноси) ва бошқа мева винолари ишлаб чиқариш	15940	уч ойда кўпи билан бир маротаба
39	Бошқа дистилланмаган ферментланган (бижгитилган) ичимликлар ишлаб чиқариш	15950	уч ойда кўпи билан бир маротаба
40	Пиво ишлаб чиқариш	15960	уч ойда кўпи билан бир маротаба
41	Солод (ундириб янчилган буғдой, арпа ва ш.к.) ишлаб чиқариш	15970	уч ойда кўпи билан бир маротаба
42	Спиртли ичимликлар улгуржи савдоси	51340	уч ойда кўпи билан бир маротаба
43	Тамаки маҳсулотлари улгуржи савдоси	51350	уч ойда кўпи билан бир маротаба
44	Шакар, шоколад ва шакарли қандолат маҳсулотлари улгуржи савдоси	51360	уч ойда кўпи билан бир маротаба
45	Қаҳва, чой, какао ва зираворлар улгуржи савдоси	51370	уч ойда кўпи билан бир маротаба
46	Озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ихтисослашмаган улгуржи савдоси	51390	уч ойда кўпи билан бир маротаба
47	Ихтисослашган дўконларда мевалар ва сабзавотлар чакана савдоси	52210 52270	уч ойда кўпи билан бир маротаба
48	Спиртли ичимликлар чакана савдоси	52250	уч ойда кўпи билан бир маротаба
49	Ихтисослашган дўконларда тамаки маҳсулотлари чакана савдоси	52260	уч ойда кўпи билан бир маротаба
<b>Коммунал гигиена ва хизмат кўрсатиш объектлари</b>			
50	Сувни йигиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш	41001 41002	уч ойда кўпи билан бир маротаба
51	Канализация тизими	90010	уч ойда кўпи билан бир маротаба
52	Сартарошхоналар ва гўзаллик салонлари хизматлари	93020	олти ойда кўпи билан бир маротаба
53	Мехмонхоналар ва шунга ўхшаш яшаш жойлари	55100	олти ойда кўпи билан бир маротаба
54	Парфюмерия ва пардоз товарлари улгуржи савдоси	51450	олти ойда кўпи билан бир маротаба
55	Фармацевтика товарлари улгуржи савдоси	51460	олти ойда кўпи билан бир маротаба
56	Ихтисослашган дўконларда фармацевтика товарлари чакана савдоси	52310	олти ойда кўпи билан бир маротаба
57	Фитнесс-клублар фаолияти	93040	олти ойда кўпи билан бир маротаба
58	Ихтисослашган дўконларда медицина ва ортопедик товарлар чакана савдоси	52320	олти ойда кўпи билан бир маротаба

59	Ихтисослашган дўконларда пардоз товарлари ва гигиена предметлари чакана савдоси	52330	олти ойда кўпи билан бир маротаба
60	Дам олиш кунларида ва бошқа қисқа яшаш муддатларида турар жой билан таъминлаш	55210 55230	олти ойда кўпи билан бир маротаба
61	Театрлар фаолияти	92310 92340	олти ойда кўпи билан бир маротаба
62	Театр ва концерт заллари фаолияти	92320	олти ойда кўпи билан бир маротаба
63	Кутубхоналар ва архивлар фаолияти	92510 75140	олти ойда кўпи билан бир маротаба
64	Музейлар фаолияти	92520	олти ойда кўпи билан бир маротаба
65	Спорт обьектлари фаолияти	92610 92620	олти ойда кўпи билан бир маротаба
66	Шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган қуруқликдаги йўловчи транспорти	60211 60212 60213 60214 60219	олти ойда кўпи билан бир маротаба
67	Ихтисослашган дўконларда ўйин ва ўйинчоқлар чакана савдоси	52480	олти ойда кўпи билан бир маротаба
68	Тўқимачилик буюмлари ва мўйнали буюмларни ювиш ва кимёвий тозалаш	93010	олти ойда кўпи билан бир маротаба
69	Енгил автомобилларга техник хизмат кўrsatiш ва таъмирлаш	50200	олти ойда кўпи билан бир маротаба
70	Бошқа автомобилларга техник хизмат кўrsatiш ва таъмирлаш	50200	олти ойда кўпи билан бир маротаба
71	Автомобилларни ювиш, сайқаллаш ва шу каби фаолият	50200	олти ойда кўпи билан бир маротаба
72	Қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ва шу каби маҳсулотлар улгуржи савдоси	51510	олти ойда кўпи билан бир маротаба
73	Такси фаолияти	60220	олти ойда кўпи билан бир маротаба
74	Яшаш учун бошқа жойлар хизматлари	55230	олти ойда кўпи билан бир маротаба
75	Туристик оромгоҳлар, дам олиш ва кўнгилочар парклар ва шаҳарчалар	55220 55210	олти ойда кўпи билан бир маротаба
76	Олий таълим	80300	бир йилда кўпи билан бир маротаба
<b>Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси обьектлари</b>			
77	Маданият соҳасидаги таълим	80420 92340	бир йилда кўпи билан бир маротаба
78	Транспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш мактаблари фаолияти	80410	бир йилда кўпи билан бир маротаба
79	Мактабгача таълим	80101	бир йилда кўпи билан бир маротаба
80	Бошланғич таълим	80102	бир йилда кўпи билан бир маротаба
81	Умумий ўрта таълим	80210	бир йилда кўпи билан бир маротаба

82	Техник ва профессионал ўрта таълим	80220 80420 63230 63220	бир йилда кўпи билан бир маротаба
83	Бошқа тоифаларга киритилмаган таълимнинг бошқа турлари	80420	бир йилда кўпи билан бир маротаба
84	Таълим соҳасидаги ёрдамчи фаолият	74140	бир йилда кўпи билан бир маротаба
85	Спорт таълими, жумладан кўнгил очиш мақсадидаги таълим	80420 92620 93050	бир йилда кўпи билан бир маротаба
<b>Даволаш-профилактика муассасалари</b>			
86	Шифохона муассасалари фаолияти	85111 85112 85113 85119	бир йилда кўпи билан бир маротаба
87	Махсус шифокорлик амалиёти соҳасидаги фаолият	85120	бир йилда кўпи билан бир маротаба
88	Стоматология соҳасидаги фаолият	85130	бир йилда кўпи билан бир маротаба
89	Умумий шифокорлик амалиёти соҳасидаги фаолият	85120	бир йилда кўпи билан бир маротаба
90	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа фаолият	85140	бир йилда кўпи билан бир маротаба
91	Яшаш учун жой билан таъминлаган ҳолда медицина хизмати кўрсатиш	85140	бир йилда кўпи билан бир маротаба

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил  
“26” 01 даги “6-Ч”-сон буйруғига  
4-илова

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари  
ва гигиена нормативларига риоя этилиши бўйича ўтказиладиган  
текширишларнинг йиллик режа-жадвалининг  
намунавий шакли

№	Объектнинг номи	Фаолият тури	Текшириш ўтказиш муддати	Текшириш ўтказадиган мутахассисни Ф.И.Ш.
1.				

Бактериология лабораториясида ўтказиладиган таҳлиллар			Санитария-гигиена лабораториясида ўтказиладиган таҳлиллар		
Таҳлиллар тури	Таҳлиллар сони	Таҳлил ўтказила-диган кўрсатгичлар	Таҳлиллар тури	Таҳлиллар сони	Таҳлил ўтказила-диган кўрсатгичлар

Паразитология лабораториясида ўтказиладиган таҳлиллар			Радиология лабораториясида ўтказиладиган таҳлиллар		
Таҳлиллар тури	Таҳлиллар сони	Таҳлил ўтказила-диган кўрсатгичлар	Таҳлиллар тури	Таҳлиллар сони	Таҳлил ўтказила-диган кўрсатгичлар

Келишилди:

Санитария-гигиена бўлими мудири

Назоратларни мувофиқлаштириш ва маъмурий амалиёт бўлими

Бактериология лабораторияси мудири\*

Санитария-гигиена лабораторияси мудири\*

Радиология лабораторияси мудири\*

Паразитология лабораторияси мудири\*

\* бўлим таркибида ушбу турдаги лаборатория мавжуд бўлмаган ҳолларда, ушбу ҳудудга хизмат кўрсатиш учун биринчирилган лабораторияда таҳлиллар ўтказилади ва таҳлил ўтказиладиган бўлим бошлиғи ва лаборатория мудирлари билан келишилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизматининг 2022 йил  
“26” 01 даги “6-и”-сон буйруғига  
5-илова

Текширишлар жараёнида амалга ошириладиган лаборатория-инструментал  
тахлилларнинг минимал тури ва миқдори

### 1. Умумий овқатланиш шаҳобчаси бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Тахлил қилинадиган омиллар
1.	Ёритилганик	5	Табиий ва сунъий
2.	Микроиклим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво харакат тезлиги
3.	Ичимлик суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
4.	Суртма	Ҳажмига қараб 20 тадан кам бўлмаган миқдорда	Бактериологик тахлилга (ичак таёқчалари ва патоген флораларга)
5.	Хом ашёлардан намуналар (сабзавот ва бошқалар)	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бўйича (нитрат, оғир туз метал қолдиқлари ва бошқа кўрсаткичларга)
6	Тайёр салат маҳсулотлардан бактериологик тахлилларга	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бўйича бактериологик кўрсаткичларга
7	Тиббий кўрикдан ўтмаган ишчи-ходимлардан юқумли ва паразитар касалликлар аниқлаш учун суртма	Тиббий кўрикдан ўтмаган ишчи-ходимлардан	юқумли ва паразитар касалликларни аниқлаш

### 2. Савдо шаҳобчаси бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Тахлил қилинадиган омиллар
1.	Ёритилганик	5	Табиий ва сунъий
2.	Микроиклим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво харакат тезлиги
3.	Сувни бактериологик ва кимёвий тахлили	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 кўрсаткичлари бўйича бактериологик ва кимёвий тахлилга
4.	Хом ашё ва тайёр маҳсулотлардан (савдо тармоғидаги маҳсулотлардан келиб чиқан холда – ош тузи, тез бузулувчи сут, гўшт ва қандолат маҳсулотлари) намуналар	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бўйича бактериорогик ва кимёвий кўрсатгичларга

### 3. Озиқ-овқат саноати корхонаси бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	Ёритилганлик	5	Табиий ва сунъий
2.	Микроиқлим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво ҳаракат тезлиги
3.	Ичимлик суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериорлогик ва кимёвий кўрсатгичларга
4.	Суртма	Ҳажмига караб 20 тадан кам бўлмаган миқдорда	Бактериологик таҳлилга (ичак таёқчалар ва патоген флораларга)
5.	Махсулот тайёрлаш учун фойдаланаётган хом ашё ларидан намуналар	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвам 0366-19 талаблари бўйича бактериолог ва кимёвий кўрсаткичларига
6	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан намуналар	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвам 0366-19 талаблари бўйича бактериолог ва кимёвий кўрсаткичларига
7	Тиббий кўрикдан ўтмаган ишчи-ходимлардан юқумли ва паразитар касалликлар аниқлаш учун суртма	Тиббий кўрикдан ўтмаган ходимлардан	юқумли ва паразитар касалликлар аниқлаш

Изоҳ: \* олинаётган ҳар бир турдаги маҳсулотлардан олинган намуналар миқдори амалдаги Давлатлараро стандарт (ГОСТ) талабларидан келиб чиқсан холда белгиланади.

### 4. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлайдиган корхона бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	Ичимлик сув намунаси	4	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича (УМС (ОМЧ), БГКП, эшерихия, колифаг);
2	Ичимлик сув намунаси	4	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича (органолептик, тўлиқ кимёвий ва токсикологик кўрсатгичларга)
3	Ичимлик сув намунаси	4	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича (суммар альфарадиоактивлик, суммар бетарадиоактивлик);
4	Ичимлик сув намунаси	4	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича (лямблия цисталари, дизентерия амёбаси, балантидий)

### 5. Аҳолига майший хизмат кўрсатиш, шу жумладан дорихона бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	Ёритилганлик	10	Табиий ва сунъий
2.	Микроиқлим	5	Намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги, ҳарорати
3.	Ичимлик сув намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга

## 6. Мехмонхона бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	Ёритилганлик	20	Табиий ва сунъий
2.	Микроиқлим	5	Намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги, ҳарорат
3.	Ичимлик сув намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
<b>Овқат тайёрлаш жойи бўйича</b>			
4	Ёритилганлик	5	Табиий ва сунъий
5	Микроиқлим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво ҳаракат тезлиги
6	Ичимлик суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
7	Суртма	Ҳажмига қараб 20 тадан кам бўлмаган миқдорда	Бактериологик таҳлилга (ичак таёқчалар ва патоген флораларга)
8	Хом ашёлардан намуналар (сабзавот ва бошқалар)	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бўйича (нитрат, оғир туз метал қолдиқлари ва бошқа кўрсаткичларга)
9	Тайёр салат маҳсулотлардан бактериологик таҳлилларга	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бўйича бактериологик кўрсаткичларга
10	Тиббий кўрикдан ўтмаган ишчи-ходимлардан юқумли ва паразитар касалликлар аниқлашучун суртма	Тиббий кўрикдан ўтмаган ходимлардан	юқумли ва паразитар касалликлар аниқлаш

## 7. Сартарошхона ва косметология хизматларини кўрсатувчи шаҳобча бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	Иш ўринлари ҳавосидан намуна	5	иш жойида: углеводородлар (лак ва ацетон таркибидаги кимёвий моддалар), чанг
2.	Ёритилганлик	10	Табиий ва сунъий
3.	Микроиқлим	5	Намлик, ҳаво ҳаракатининг тезлиги, ҳарорат
4.	Шовқин	2	Умумий ва таснифий даражалари
5.	Ичимлик сув намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
6.	Иш столи ва анжомларидан суртмалар	2	Бактериологик кўрсатгичга (ичак таёқчаси, St. Aurerus)

## 8. Даволаш-профилактика муассасаси бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	Муолажа, боғлов ва операция хоналарини ҳавосидан намуналар;	2-50	Бактериологик кўрсатгичга (умумий микроб сони, St. Aurerus)

2	ДПМларнинг тайёрлайдиган воситаларидан намуна дорихоналари дори	4-10	Дори воситаси стериллигини аниқлаш
3	Тиббий асбоб-анжомлар, кийимлар, боғлов материалларидан намуналар;	4-200	Стериллигини аниқлаш;
4	Суртмалар (ишчи ва бемор хоналаридан, жарроҳлик, терапевтик, стоматологик йуналиш буйича жиҳозлардан, ишчиларнинг кўли ва халатларидан ва бошқалар)	15-250	Бактериологик кўрсатгичга (ичак таёқчалари, St. Aurerus);
3.	Дезинфекция воситалари намуна;	2-10	Дезинфекция воситасини фаоллигини аниқлаш;
5.	Ёритилганлик	10-50	Табиий ва сунъий
6.	Микроиқлим	2-100	Хона ҳарорати, намлик ва ҳаво ҳаракат тезлиги
7.	Шовқин	2-20	Умумий ва таснифий даражалари
8.	Ичимлик суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериорлогик ва кимёвий тахлилга
9.	Иш жойида радиологик омилларни текшириш	10-50	Радиация миқдорини аниқлаш
<b>Ошхона бўйича</b>			
1.	Ёритилганлик	5	Табиий ва сунъий
2.	Микроиқлим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво ҳаракат тезлиги
3.	Ичимлик суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
4.	Суртма	Ҳажмига караб 20 тадан кам бўлмаган миқдорда	Бактериологик тахлилга (ичак таёқчалар ва патоген флораларга)
5.	Хом ашёлардан намуналар (сабзавот ва бошқалар)	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвам 0366-19 талаблари бўйича (нитрат, оғир туз метал қолдиқлари ва бошқа кўрсаткичларга)
6.	Тайёр салат маҳсулотларидан бактериологик тахлилларга	Тури бўйича 1 тадан *	СанҚвам 0366-19 талаблари бўйича бактериологик кўрсаткичларга
7	Тиббий кўриқдан ўтмаган ишчи-ходимлардан юкумли ва паразитар касалликлар аниқлаш учун суртма	Тиббий кўриқдан ўтмаган ходимлардан	Юкумли ва паразитар касалликлар аниқлаш

#### 9. Мактабгача таълим ташкилоти бўйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Тахлил қилинадиган омиллар
1.	Ичимлик сув намунаси	4	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
2.	Ёритилганлик	8	Табиий ва сунъий

3	Микроиклим	8	Хона ҳарорати, намлик ва ҳаво ҳаракат тезлиги
4	Электр магнит майдони	2	Электромагнит нурланиш
5	Болалар майдончаларидан тупроқ ва құмлар намуналари	2	Бактериологик ва паразитологик күрсатгичлар бүйича (умумий микроблар сони, ичак таёқчаси, гижжа тухуми)
6	Хоналари ҳавосидан намуна;	18	Чанг миқдорини аниқлаш;
<b>Ошхона бүйича</b>			
7.	Ёритилғанлик	5	Табиий ва сунъий
8.	Микроиклим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво ҳаракат тезлиги
9.	И chimlik суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бүйича бактериологик ва кимёвий күрсатгичларга
10	Суртма	Хажмиға қараб 20 тадан кам бўлмаган миқдорда	Бактериологик таҳлилга (ичак таёқчалари ва патоген флораларга)
11	Хом ашёлардан намуналар (сабзавот ва бошқалар)	Тури бүйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бүйича (нитрат, оғир туз метал қолдиқлари ва бошқа күрсаткичларга)
12	Тайёр салат маҳсулотларидан бактериологик таҳлилларга	Тури бүйича 1 тадан *	СанҚвАМ 0366-19 талаблари бүйича бактериологик күрсаткичларга
13	Тиббий күрикдан ўтмаган ишчи-ходимлардан юқумли ва паразитар касалликлар аниқлаш учун суртма	Тиббий күрикдан ўтмаган ходимлардан	Юқумли ва паразитар касалликлар аниқлаш

#### 10. “Мехрибонлик уйлари”, ИМУИ (мактаб-интернатлари) бүйича

№	Лаборатория-инструментал текширувлар номи	Намуна сони	Таҳлил қилинадиган омиллар
1.	И chimlik сув намунаси	4	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бүйича бактериологик ва кимёвий күрсатгичларга
2.	Ёритилғанлик	18	Табиий ва сунъий
3.	Микроиклим	10	Хона ҳарорати, намлик ва ҳаво ҳаракат тезлиги
4.	Электр магнит майдони	4	Электромагнит нурланиш
5.	Шовқин	4	Умумий ва таснифий даражалари
6.	Болалар майдончаларидан тупроқ ва құмлар намуналари	2	Бактериологик ва паразитологик күрсатгичлар бүйича (умумий микроблар сони, ичак таёқчаси, гижжа тухуми)
7.	Хоналар ҳавосидан намуналар	18	Чанг миқдорини аниқлаш;
<b>Ошхона бүйича</b>			
8.	Ёритилғанлик	5	Табиий ва сунъий
9.	Микроиклим	5	Намлик, ҳарорат ва ҳаво ҳаракат тезлиги

10.	Ичимлик суви намунаси	2	O'zDst 950-2011, 951-2011 талаблари бўйича бактериологик ва кимёвий кўрсатгичларга
